

Бокс бўйича Иорданияда ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари бир олтин, икки кумуш ва бир бронза медал эгасига айланди. Мусобадада ўттизга яқин мамлакатдан 180 дан ортиқ боксчи голиблик учун рингга кўтарилди.

Қитъа чемпионатидаги галаба

81 кг. вазн тоифасида Ойбек Мамазулонов ҳиндистонлик Жагрук Сингх, мўғулистонлик Садагсурен Ерденебай ва таиландлик Анават Тхонгратхонни катта устунлик билан енгди. Финал учрашувида қозғистонлик Адилет Ниязимбетовни мағлуб этган Ойбек Мамазулонов Осиё чемпиони бўлди.

Вакилларимиздан Иззатулла Эргашев ва Шаҳобиддин Зоиров ўз вазн тоифасида финалгача бўлган жангларни мағлубиятсиз ўтказиб, кумуш медалларга сазовор бўлишди. Умирлар ўртасида жаҳон чемпиони Мирзобек Ҳасанов эса 91 кг. вазн тоифасида бронза медал билан тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қораўзақ Оролбўйининг олис туманларидан бири ҳисобланади. Бу ерда марказий касалхона, кўп тармоқли шифохона ва 11 та қишлоқ врачлик участкаси мавжуд бўлиб, 63 нафар врач, жами 510 нафар тиббий ходими эл-юрт хизматида. Айниқса, шошилич тиббий ёрдам, туғруқ, физиотерапевт, гинекология каби бўлимларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани айни мuddа бўлди.

Овулларда

қишлоқ врачлик пунктлари

— Туман аҳолисининг деярли олтинми фоизи овулларда истиқомат қилади. — дейди туғруқ бўлими ҳамшираси Уринбоскан Юсунова. — Шунинг учун асосий эътиборни туғиш ёшидаги аёллар ва болалар соғлиғини муҳофазалашга қаратганмиз.

— Саъй-ҳаракатлар туфайли оналар ва болалар ўлими кескин камайди. — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Ражаббой Пишиев. — Овуллардаги қишлоқ врачлик пунктлари тиббий ускуналарнинг берилиши, малакали шифокорлар билан мустаҳкамлашни аҳоли саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатапти.

Иззат ҲИҚМАТОВ

АНДИЖОН

Марҳамат туманида фаолият юритаётган «Манзур» боғдорчилик фермер хўжалигининг консерва маҳсулотлари сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

«Манзур»

ЮКСАЛМОҚДА

2003 йилда фаолият бошлаган мевани қайта ишлаш цехида янгица ёндашув туфайли 18 нафар қишлоқ ёшлари янги иш ўринларига эга бўлди. Бу ерда ишга тушган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва улгуржи савдо шохобчаларида ҳам иш қизғин кетмоқда.

Абдулхай ЮСУОВ



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Истиқлол меваси

Оталар дуоси — эл муддаоси

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ушбу кутлуг сананинг «Қадрим-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиори остида нишонлиниши ватандошларимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

— Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, Мустақиллик ҳур фикрли, тадбиркор, меҳнаткаш инсонларнинг ҳақиқий таянчи бўлди, — дейди олтиариқлик фермер Мақсуджон Болтаев. — Утган йиллар мобайнида юртимизда барча соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Халқимизнинг истиқлол туфайли тикланган қадри тўғрисида гап кетганда, бир нарсани алоҳида эътироф этиш жоиз. Мен кўп фарзандли оилада тарбияланганман. Илгари беш ака-ука оиламиз билан отамнинг ҳовлисида тикилиб яшардик. Йигирма уч йил муқаддам Юртбошимизнинг аҳолига уй-жой учун томорка ажратиш тўғрисидаги Фармони мушқуллимизни осон қилди. Фармон йиллар давомида миллат менталитети, турмуш тарзини билмай кўр-кўрона юритилган сиёсатдан сабр косаси тўлиб бораётган халқнинг кайфияти кескин кўтарилишига, дунёда адолат, ҳақиқат борлигига ишонч ҳиссини уйғотишда муҳим аҳамият касб этди. Бир сўз билан айтганда, халқни мустақиллик гоёси атрофида жипслаштирди. Биз ака-укалар ҳам ер олдик. Уй, рўзгор қилдик. Меҳнатимиз туфайли, юрtdа тадбиркор, фермерларга яратилаётган шароитлар сабабли дангиллама иморатлар солдик. Фарзандлар тарбияладик. Катта ўғлим Азизбек айнан шу ҳовлида дунёга келди. Бу йил баҳорги ишлар бошлангандан олдин уни уйладим. Ёш оила учун банк кредити эвазига қишлоқ жойларда барпо қилинаётган замонавий уй-жойлардан олдик. Янги ҳовлида барча шароитлар мавжуд. Иссиқ, совуқ сув, газ, машина учун гараж, қурувчилар хатто сабзавотлар етиштиришга мўлжалланган иссиқхона қуришни ҳам унуттишмабди. Ўғлим оиласи билан яшайдиган уйни қўриб Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сўзлари ёдимга келди. Амалга ошириладиган ислохотлар, янгиликлар ва ўзгаришларнинг бари ана шу эзгу мақсадга йўналтирилганига яна бир бор амин бўлдим.

Дарҳақиқат, мустақиллик юртимизда яшовчи ёшу қарининг орзулари ижобати десак янглишмаймиз. Истиқлол туфайли халқимизнинг озодлик, эркинлик ва ҳур фикрлилик ҳуқуқи тикланди. Миллий гуруҳ, ор-номус учун қурашган аждодларимизнинг муқаддас номлари оқланди. Ўзбекистон жаҳон майдонида муносиб эътибор қозонди. Мустақиллик миллатнинг том маънодаги таянчи, ифтихорига айланди.

— Уч кам 100 ёшга тўлдим, — дейди Мақсуджон ота Дадажонов. — Ҳаётим давомида кўп ур-сурлару тўполонларнинг гувоҳи бўлганман. Қатагон йиллари дом-дараксиз кетган зиёли қўшнларимизнинг сағир қолган болаларига ичим куйиб ачинганман, бир неча марта такрорланган очарчиликларни бошимдан ўтказганман. Иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. Олис жангоҳларда ака-укаларим, дўсту ёрларим ҳалок бўлишди. Сунг пахта далаларида ҳушидан кетган гўдақларни, ҳомилалар аёлларни касалхонага ташидим. Далада устимиздан қўйиб кетиладиган захар ичиди ишладик. Отасига, онасига жаноза ўқита олмай бир умр армонда қолган, ўзини қўярга жой тополмаган фарзандларни кўрдим. Хуққусизлик, куллик бундан ортиқ бўлмас. Шу маънода қадрим-қимматим — истиқлол, таянчим, ифтихорим — истиқлол, деб мустақилликни алқайман. Базан набираларим ёшимни сўраб қолишди. Мен ҳеч иккиланмай 22 га энди тўлдим дея жаов берарман. Эеро, ҳаётимнинг ҳақиқий қисмини мустақиллик йилларида яшадим. Шаҳарга кам чиқарман. Яқинда тиббий кўрикдан ўтиш учун Фарғонага бордим. Шаҳарни таний олмадим. Бири-бирдан ҳашаматли иморатлар, текис, раvon йўллар, спорт иншоотлари ва бошқа халққа фойдаси тегадиган бинолар қуриляпти. Коллеж, мактаблар ҳон қасридан-да чиройлироқ. Буларда эвара-у, чевараларим ўқийди, ишлайди, фойдаланади. Шуларни уйлаб, қалбим қувонгча тўлади. Илоё, мустақиллигимиз, тинчлигимиз абадий бўлсин!

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ислохот самараси

Интилса, имкон топилади

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Кармана туман кенгаши фаолияти билан танишар эканмиз, ўзгача бир иштиёқмандликни ҳис этдик.

— Аъзолар кўпая борса, ишда енгилликлар юзага келаверар экан, — дейди кенгаш раиси Уткиржон Ражабов. — Бошқарув тизимида ўзгаришлар юз берган, вилоят кенгашига тўғридан-тўғри аъзо бўлиш ташкилотлар марказга яқин жойлашган Кармана туман кенгашига қўшилди. «Навоийдонмаҳсулотлари» ОАЖ, Қўйи Зарафшон насос станциялари ва алоқа бошқармаси, «Навоийпахтасаноат» худудий бирлашмаси, вилоят табиати муҳофазаси қилиш бошқармаси, вилоят Марказий Давлат ўрмон хўжалиги сингари қатор корхоналар шулар жумласидандир. Ҳозирга келиб бошлангич ташкилотларимиз 60 тага етди. Аъзолар сони аввал 5900 нафарни ташкил этган бўлса, айни кўлгача 9 минг нафардан ошиб кетди. Аъзолар кўпайган сайин бадал тушувлари ҳам ўз-ўзидан орtdи. Маблағнинг белгиланган қисми аъзолар манфаатини ҳимоя қилишдек устувор мақсадлар йўлида сарфланаёттир. Утган ярим йилда Агросаноат мажмуи ходимлари ва уларнинг сулоаларидан 24 нафари имтиёзли равишда турли сихаттоҳларда дам олдирилди. Бевосита касабга уюшма маблағи ҳисобидан ажра-

тилган 4 та йўлланма учун салкам 3 млн. сўм сарфланди. Фермер хўжалиқларида фаолият юритаётган ишчилар орасида касабга уюшма имтиёзларидан фойдаланмай келадиганлари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Айниқса, хўжалиқларда мавсумий ишловчи меҳнаткашлар тақдирини бизни ташвишлантириб келади. Шунинг учун уларни аъзоликка жалб этиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманда 6 та худудий фермер хўжалиқлари касабга уюшмаси тузилган. Кўмита раислари ишчилар ҳақ-ҳуқуқини тўлақонли тиклаш чораларини кўрмоқда. Айнан ана шу мақсадда «Нарпай» худудий фермер хўжалиқлари касабга уюшма кўмитасида амалий семинар ташкил қилинди. Унда Жалойир, Қодир Раҳимов, «Дурмон», «Хазора» қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудидаги етакчилар иштирок этишди. Ишчиларни аъзоликка қабул қилиш баробарида, уларга меҳнат дафтарчаси очиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

М.АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири



Энг намунали бошлангич ташкилот

Ҳар қандай ташкилотда кадрлар кўнимлиги, иш унумининг юқорилиги, жамоадаги соғлом маънавий муҳит кўп жиҳатдан касабга уюшма ташкилоти ва унинг етакчиси фаолияти билан боғлиқ бўлади. Истеъмоладан ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тасарруфидаги вилоят «Сувоқава» давлат унитар корхонасида ишловчи ҳар бир ходим айни шу жиҳатлар ҳақида фахрланиб гапирди.

Номига муносиб

Халқни оби ҳаёт билан таъминлашдек масъулиятли вазифани адо этаётган мазкур ташкилот аъзолари «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг тармоқ бўйича республика босқичига йўлланма қўлга киритди. Бу, албатта, корхона касабга уюшма кўмитаси раиси Исрои Абдуллажоновнинг тинимсиз меҳнати самарасидир.

— Корхона раҳбари Акрам Сулейманов билан ходимларга қулайлик яратиш мақсадида доим изланишдамиз, — дейди касабқўм раиси. — Чунки 1342 нафар ходим, аниқроғи, шунча оиланинг ҳумоиси касабга уюшма зиммасида. Ходимнинг саломатлиги, хавфсизлиги эса нафақат оиласи, балки ташкилот учун ҳам муҳимдир. Шунинг учун меҳнат муҳофазаси бўйича вакил Жалолхон Нуриев билан иш ўринлари хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси қондаларига амал қилиш бўйича мониторинглар ўтказиб, махсус ўқувлар ташкил қилиб борамиз.

Ходимларнинг 211 нафари хотин-қизлар эканлиги эса улар билан доимий иччил ишлашни тақозо этади. Касабга уюшма кўмитасида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси доимий фаолият юритади. Шахноза Рафиқова бошқараётган мазкур комиссия

томонидан аёлларга шароит яратиш, қонун доирасидаги имтиёзлардан тўқинликсиз фойдаланишлари, саломатликларини тиклаш ва санаторийларда дам олишларини ташкиллаштириш каби масалалар ҳал этиб келинмоқда. Ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси Ёсинхон Ҳожиёв 108 нафар тенгдошининг қизиқиш ва манфаатларини ифода этаёттир.

Касабқўм ташаббуси билан маънавият соатлари қатъий режа асосида, илвоқтадаги маданият, фан, санъат даргалари иштирокида ўтказилади. Корхонада иш берувчи билан касабга уюшма ташкилоти орасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган Жамоа шартномаси қабул қилинган.

— Корхона касабга уюшмаси етакчисининг энг катта ютуғи — жамоада катта обрў қозонилганида, — дейди тармоқ касабга уюшма раиси Гулчехра Казакбаева. — И.Абдуллажонов нафақат яхши ишлайди, балки атрофдагиларнинг бошини қовуштириб, руҳлантира олади ҳам. Мақсадимиз, мазкур корхона касабга уюшма кўмитаси доим «намунали» номига муносиб бўлсин.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Шу сонга хушxabар

Қалдирғоч маҳсулот

«Жиззах» махсус индустриал зонасининг Сирдарё вилоятидаги филиалида UZTE бренди остида смартфонлар ишлаб чиқарила бошлади. Жорий йил охиригача уч юз мингга яқин мобил телефонлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Хитойнинг машҳур ZTE корпорацияси ҳамда «Пенг-Шенг» масъулият чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур корхонага 3,16 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя сарфланди.

Янги корхона ўз маҳсулотларини келгуси йилдан бошлаб МДҲ мамлакатларига экспорт қилишни мўлжаллаган. Эллиқдан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон-Хитой саноат паркинги барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган махсус индустриал зонада хитойлик ҳамкорлар томонидан 51 та саноат корхонаси барпо этилиши, бунинг учун 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорда сармоя киритилиши режалаштирилган.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Оталиқдаги соҳа

Республика «Мева шарбати» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси тизимидаги «Бандихон тажриба хўжалиги» унитар корхонасининг сугориладиган ер майдони 837 гектарни ташкил этади.

Сўнгги уч йилда юз берган табиат инжиқликлари дарахт ва тоқзорларга сезиларли таъсир кўрсатди. Хатто уларнинг баъзиларини совуқ урди. Миришкорлар қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Қуриган, кам ҳосил бўлиб қолган дарахт ва тоқлар кўприлиб, ўрнига ёш ниҳоллар ўтказилди. Натияжада, 526 гектар майдонда янги мевазор пайдо бўлди. Айни пайтда ўша кўчатлар нишонга ҳосил бериб буй кўрсатди.

Хўжалик бўйича 75 гектар тоқзор бўлса, унинг 8 гектарыга бу йил узумнинг ҳосилдор янги навлари қадалди. Уч йил аввал экилган тоқлардан бу йил кўпроқ ҳосил кутилмоқда. Тажриба хўжалигида алмашлаб экиш жорий этилган. Ҳозир наватбатида, бу сул яхши натижа берапти. Утган

Бандихон боғлари

йилнинг декабр, жорий йилнинг январ ойида Андижон ва Фарғона вилоятларидан келтирилган 60 миллион тул турли мевали дарахт кўчатлари баравж ўсмоқда. Айни чоғда 3 гектар майдонда интенсиясиз оналик кўчатлари етиштириляпти.

— Хўжалигимиз раҳбари Абдуғани Қўзимуродов билан 2012-2014 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасига асосан ишчи оилавий пудрат шаклида ташкил этганмиз, — деди «Бандихон тажриба хўжалиги» унитар корхонаси касабга уюшма кўмитаси раиси Б.Равшанов. — Самара

фар касабга уюшма аъзосининг фаровон яшаши хўжалигимиз далаларида етиштирилган ҳосил салмоғига боғлиқ. Яқин икки йил ичида мевали дарахтлар ва тоқзорлар орасидаги ерларга ҳар хил экин ўстириб, ишчиларимиз фойда кўрапти.

Айтганча, навниҳоллар орасида помидор, бодринг етиштириб, вилоятимиз деҳқон бозорларини обод қилаётган қишлоқлар ҳам йўқ эмас.

Ижара шартномаси асосида меҳнат қилаётган соҳибкорларнинг боғларидаги манзара кўзини қувонтиради. Шерали Ҳайитов, Уктам Икро-

мов, Жўрақул Ташанов, Гулхан Эшқобиловалар етакчилик қилаётган жамоаларнинг ҳар бири беҳи, олча, шафтоли, олма, ўрик сингари мевали дарахтлардан ва тоқ-

зорлардан юқори ҳосил олиш пайида.

— Мева ва узумдан келадиган даромадгагина эҳтиёжини қондириб бўлмайди. Шунинг учун бамаслаштириш маъноларининг бир қисмига галла ва пахта эканмиз. Боз устига чорвачиликни ҳам ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Меваларнинг бир қисмини қайта ишлайдиган шарбат тайёрлаш цехи таъмирланди. Омборхона совуғич билан таъминланди, — дейди унитар корхона раҳбари Абдуғани Қўзимуродов.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

Оромгоҳда дам олаётган ўглининг ҳолидан хабар олиш учун борган Бибиражаб қутилмаган ҳолатдан ҳайратга тушди. Муроджон бу ерда тазквандо машғулотларида қатнашадигани, кўплаб дўстлар орттирганини айтиб, инглиз тилида шеър ўқиб берганида унинг кўзлари қувончдан порлади.

Болажонларнинг дунёкараши, қизиқиши ўрганилиб, шунга монанд машғулотларга жалб қилинмоқда. Уйғилжон Шарипова раҳбарлигидаги спорт, Меҳрибон Дурдибоева

кўп мақол билади?», «Бахру бай» беллашувлари, спорт мусобақалари ҳар кун ташкил қилинади. Болажонлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг бир

Каттакўрғон туманидаги Абдулла Мўминов номли оромгоҳнинг биринчи босқичида 140 нафар ўғил-қиз мароқли дам олди.



Моҳир кўллар

Мавсумнинг иккинчи босқичида дам олишни бошлаб юборган 148 нафар ўғил-қизнинг интеллектуал қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Болалар зўр қизиқиш билан «Техник ижодкорлик» йўналишидаги тўғарақларда иштирок этишмоқда.

Бу ерга келган ёшларнинг яширин истеъдодини юзага чиқаришга ҳаракат қилияпти, — дейди оромгоҳ раҳбари Анвар Раззоков. — Утган йилда ЎзКУФК томонидан ташкил этилган танловда «Энг намунали оромгоҳ» мақомига эришган эдик. Бу йўналишдаги ишларни жорий йилда янада кучайтирганмиз. Тўғарақ раҳбари Камолiddин Раҳматов раҳбарлигида дам олувчилар турли буюмлар ясаш, макет яратиш устида изланишлар олиб боришади. Жамолiddин, Улуғбек, Фирдавс техник анжомлар устасига айлиниб бормоқда. Гавҳар, Муҳаббат, Маржона, Баҳора уй рўзгор буюмлари, Муҳриддин кушларга уя ясаб барчанинг ҳавасини уйғотди. Бу каби ижодий изланишлар болалар хордиғига мазмун бахш этмоқда.

Ақбар ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим mudiri

Сермазмун кунлар шукуҳи

ришингиз билан олдинга баланд арчалар, сўнгра салобат тўкиб турган гужумлар диққатингизни тортади. Ариқлардан шилдираб оқаётган зилол сув «кайфиятингизга кайфият кўшади. Айниқса, жазирама иссиқ кунларда бу ерда эсаётган салқин шабдада ҳар қандай кишининг бахри дилини очади.

— Фаолиятимизни ҳам сўлим манзарага мос тарзда ташкил қилганмиз, — дейди оромгоҳ бошлиғи Бекпўлат Нуруллаев. — Оромгоҳимизда тўрт навбатда 240 болакай соғломлаштирилиши режалаштирилган. Ҳар бир кун, қолаверса, ҳар бир болакай учун алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз. Бу даргоҳда ҳар бир лаҳза улар хотирасига муҳрланиши, ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан саломатликларини мустаҳкамлаш чораларини кўряпмиз.

ғидаги кўғирчоқ театри, Рўзимбой Жумабоев бошчилигидаги мусиқа, Нодира Сатторова бошлиқ тикувчилик, Нилуфар Муродова устозлигидаги инглиз тили, Алишер Отажонов раҳбарлигидаги француз тили тўғарақлари оромгоҳда дам олаётган ёш авлод вакилларининг камолотига хизмат қилаяпти.

Врач Муроджон Хожиев, ҳамшира Умида Машарипова мунтазам равишда болалар саломатлигини назорат қилиб боришади. Соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидалари, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасидаги суҳбатлар болажонларда катта таассурот қолдириш баҳорарида, уларни янада озода, саранжом-сарийшга бўлишга ундамоқда. Мақсуда Абдулаева бошлиқ ошпазлар болажонларни шириндан-ширин овқатлар билан сийлашаётир. Тарбиячилар Нодира Сатто

ғояларни ўртага ташлаши билан нафақат жамоадoshлар хурматиға сазовор, балки болаларнинг ҳам яқин дўстиға айланган. Етақчилар Фазилат Саидова, Нилуфар Рўзиметова унга қўшқанот.

— Ҳар кун маънавий-маърифий, спорт тадбирлари уюштирамиз, — дейди Иқбол Исмоилова. — Ҳар навбатда «Ассалом, оромгоҳ!» тадбири уюштириш, анъанаға айланган. Гиёҳвандликка қарши кураш кун муносабати билан ўтказилган «Мен яшашни хоҳлайман» тадбири, «Эртақлар — яхшиликка етақлар», «Ёшлар — соғлом турмуш тарзи тарафдори», Ўзбекистон Республикаси герби тасдиқланган кун муносабати билан «Давлатимиз раъмзлари — фахр-ифтихоримиз» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирдик. Болалар орасида «Кувноқлар ва зук-қола», «Ўйла, изла, топ», «Тез айтишни тез айтман», «Ким энг

оила бўлиб бирлашганлиги, мақсад сари ҳамжиҳатликда интилишлари бизни хурсанд қилди. Оромгоҳ раҳбари касаба уюшмалари томонидан кўрсатилаётган эътибор хусусида тўхтади.

— Болаларнинг аксарияти Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман кенгашлири йўлланмалари билан келиш-шароитларимиз, ютуқ ва муаммоларимиз билан танишади, турли тадбирлар уюштиришга бош-қош бўлади, — дейди Б. Нуруллаев.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида мазмунли дам олиши ва саломатлигини мустаҳкамлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Меҳрибонлик уйдан оромгоҳга

Оролбўйидаги мавжуд 27 оромгоҳда 10 минг 700 га яқин боланинг мазмунли хордиқ чиқариши учун барча кулайлик яратилган. Тўртқўл туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида яратилган шарт-шароитлардан болажонлар жуда мамнун.

Бутун ёз бўйи 800 нафар ўқувчининг дам олиши режалаштирилган ушбу оромгоҳда айни кунларда Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйининг 90 нафар тарбияланувчиси хордиқ чиқармоқда. — Сўлим боғ ичида жойлашган оромгоҳда мароқли дам олаётишимиз, — дейди Жадрра Қудайназарова. — Ҳар кун бассейнда чўмилиб, кўёшда тобланамиз, турли маданий тадбирларда иштирок этамиз, саёхатга чиқиб, ўлкамиз тарихи билан яқиндан танишамиз. Соя-салқинда қизикарли китоблар мутлола қилиб, интеллектуал ўйинлар, шеърхонлик кечалари ўтказамиз. Мингга яқин ўқувчи мазмунли хордиқ чиқариши мўлжалланган тумандаги «Жайхун» кундузги оромгоҳи ҳам айни кунларда болажонлар билан гавжум. Бу ерда ўтказилаётган турли қизиқарли тўғарақлар, спорт машғулотлари, «Камалак» кунларида ўқувчилар фаол иштирок этмоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ,
(ЎзА) мухбири

Анджон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли «Баркамол авлод» болалар маркази ёзги таътил кунларида ўғил-қизлар билан янада гавжумлашган.

Марказда ташкил этилган хорижий тиллар, тасвирий санъат, компютер саводхонлиги, рақс, чеварлик, тўқувчилик, пазандалик, ҳайкалтарошлик ва турли спорт тўғарақларида 400 нафардан ортиқ ўғил-қизлар тажрибали педагоглардан сабоқ олмоқда.

Суратда: инглиз тили тўғарағи раҳбари Гузало Раҳимова ўқувчи Ойқиз Саидова билан машғулот пайтида.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат



«Юлдузча»да учрашув

274-мактаб қошида очилган «Юлдузча» оромгоҳида жорий мавсумда тўрт навбатда 560 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 140 нафар бола мароқли хордиқ чиқармоқда.

— Мактаб кутубхонасидан 2068 та бадиий асар ўрин олган. Шу билан бирга, «Эртақлар яхшиликка етақлар», «Русские народные сказки», «Обод турмуш йили», «Ёз ўтмоқда соз», «Чет тилини ўрганамиз» мавзусида кўргазмалар мавжуд, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулнора Ибрагимова. — «Биз баркамол ёшлар», «Соғ танда — соғлом ақл», «Кувноқ устalar мамлакатига саёхат», «Ўзбек халқининг урф-одатлари, маросим ва байрамлари, миллий халқ ўйинлари», «Ораста кизлар» каби тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг бўш вақтини янада мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳ қошида турли хил тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган.

Яқинда оромгоҳда «Оқтепа» МФЙ ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва шоир Шукур Қурбон иштирокида ижодий учрашув уюштирилди.

Максим МУРАКАЕВ,
Юнусобод туманидаги «Оқтепа» МФЙ «Камолот» ЕИХ етақчиси

«Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг Ташкент шаҳар телефон тармоғига қарашли «Алоқачи» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Мароқли дам — спортга ҳамдам

— Ушбу мусобақа минн футбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат-шашка бўйича ўтказилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Г.Азизова. — Унда 154 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Болалар оромгоҳда вақтларини мароқли ўтказиш билан бир қаторда спорт билан ҳам жиддий шуғулланаётганини амалда исботлашди. Мани футбол бўйича Навоий ҳамда Ташкент шахри жамоалари 1- ва 2-ўринлиси мусобақасида эса Бобур Шарипов ҳамда Мадина Ташбоевага тенг келадигани топилмади. Енгил атлетика бўйича Миркомил Мирсолиҳов, Нурмухаммад Йўлдошев, Фарангиз Нуриллаева ва Комила Хусанова ғолиб бўлишди. Совриндорларга Ташкент шаҳар телефон тармоғи касаба уюшма кўмитаси томонидан таъсис этилган кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тенглар ичра тенги йўқ

Ҳар бир ишни пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб билан бамаслаҳат амалга ошириш, тадбиркор бўлиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бири ҳисобланади. Олис ўтмишда назар ташласак, шу фазилат боис, ҳаётда учраб турадиган турли муаммоларнинг олди олинган, ечими топилган, қийинчиликлар енгилб ўтилган. Дунёга машҳур буюк Ипак йўлининг ўзиёқ бу кўҳна заминда одамлар азал-азалдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келганидан далолатдир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ёзишмаларига кўз ташласак, қадим Мовароуннаҳрда ўша йилларда ҳам тадбиркор, ишбилармон кишиларга ҳурмат-эътибор кўрсатилгани, ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиб, юртини обод қилувчи тужжорлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилгани ва ҳеч ким бундай кишиларга зулм ўтказмагани маълум бўлади. «Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, — дейилади Соҳибқироннинг Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган номаларидан бирида, — бизга муборак мактубларини ҳамини ашайиб таъсир кўрсатган. Ҳар бир тадбиркор ўз ортидан матиликларидан хабардор этиб, бу борада хотиримизни жам қилгай. Яна, ҳазратларни ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг

хурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг хурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён-заҳмат эткизмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир...» Бундан англашладикки, тадбиркорлар турли замонларда ҳам мамлакатлар, миллату элатлар ўртасида қўшничилик, фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, борди-келди қилиш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Қаердаки тадбиркорлик, ишбилармонлик ривож топса, соҳа фидойиларига рағбат берилса, бу ҳолат нафақат ўша ерга, унга туташ жойларга ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ҳар бир тадбиркор ўз ортидан уқувли, лаёқатли ёшларни эргаштирган, демокки, уларнинг бирор фойдали иш билан банд бўлишига кўмаклашган. Тадбиркорлик нима — касб-

ми, туғма истеъдодми, ё отадан болага, авлоддан-авлодга ўтувчи илоҳий иноятми? Бу саволга: касб ҳам, истеъдод ҳам, илоҳий иноят ҳам, деб жавоб бериш мумкин. Ҳақиқий тадбиркор бу ишни касб даражасига етказди, бунинг учун, энг аввало, истеъдодини ишга солади, ўзигача бўлган тадбиркорларнинг тажрибаларини ўрганади, йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилади, изланади. Шоир айтганидек,

ҳага тасодифан кириб қолган кишилардир. Тарихий манбаларда ёзилишича, фойда ортидан қувиб, бозорга сохта, сифатсиз маҳсулот олиб чиққан, ҳисоб-китобда гирромлик қилган, харидорни алдаган, ҳақиқа хиянат қилган «тадбиркор»ларга (қосиб, хунармандларга) жазо чоралари қўлланган. Уларнинг усти ялтирок, ичи қалтироқ буюмлари бозор дарвозаларига ҳамма кўриши ва бундай сохтакор-

катлардан тийилишган, бировнинг мулкига кўз олайтиришмаган, харидорларнинг ишонч-эътиборини қозонишган, таъбир жоиз бўлса, ҳалоллик, поклик, диёнатлилик элчилари бўлишган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга келган кўплаб элчилар, айниқса тужжорлар, бу юрда раиятни бошқаришда адолат таъмоилларига қатъий амал қилишини ўз кўзлари билан кўрганлар ва бу тўғрида ўз

Тадбиркорлик ва

«гоҳ айро ҳам тушади», янглимади, ҳисоби чиқмади, даромад ололмади қолади, аммо шундай ҳолатда ҳам ниятидан, кўзлаган мақсадидан қайтмайди. Фақат бир муҳим жиҳати борки, «бугундан бошлаб тадбиркорлик билан шуғулланаман», деб иш бошлаган кишиларнинг ҳаммасига ҳам омад қилиб боқмайди. Тадбиркорлик ноёб хусусият, аввало, қаерда қандай маҳсулот мавжудлигини (сифатини), одамларнинг харид қувватини ва яна бошқа кўп нарсаларни библиш, шу асосда тўғри қарор қабул қилиш талаб этилади. Иккинчидан, чинакам тадбиркор, биринчи навбатда, эл-юртта хизмат қилиш, бозорни тўлдириш учун ҳам бу хайрли ишга бел боғлайди. Нима қилиб бўлса-да, фойда кўришни, даромаднинг оширишни ўйлайдиганлар, аслида, бу со-

лардан ҳеч нарса харид қилмаслик учун осиб қўйилган. Шу маънода, чинакам тадбиркорларни миллатпарвар, фидойи инсонлар дейиш мумкин. Қадимда тижорат билан шуғулланувчи кишиларга айни шундай муносабатда бўлишган. Чунки улар савдо-сотқ боис, элларни элларга, мамлакатларни мамлакатларга боғлаганлар, ўзга юртларда кўрган яхши амаллари, хайрликларни тарғиб-ташвиқ қилишган. Бундан-да муҳими, тадбиркорлар ўзга юртларга боришганда, ўз юртлари, ватандошлари тўғрисида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилишган, беодоб хатти-ҳара-

хукмдорларини хабардор қилиб туришган. Соҳибқирон бери ҳеч бир жамиятда қўлланялмаган, соғлом мантикага тўғри келмайдиган иш қилди — тадбиркор, ишбилармон кишиларнинг йўлини тўсди, қўл-оёғини боғлади. Тадбиркорлик қонун йўли билан тақиблаб қўйилди. Мустабид салтанатнинг инқирозга юз тутуши сабаблари эндиликда ҳаммага аён, аммо шу биргина тақибнинг ўзи ҳам таназул учун етарли эди. Чунки, тадбиркорлик ривожланмаган, одамларнинг ташаббуслари, ғайрат-шижоатлари қўлаб-қувватланмаган жойда тараққиёт, юксалиш, миллатнинг фаровон ҳаёти, обод турмуш тарзи ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мустақиллик бундай ғайриинсоний, ғайрихалқоқий тақиб-

Реклама ва эълонлар

Орамиздаги одамлар



«Таом ҳар уйда бўлади, ammo энг лаззатлиси бир уйда пишади». Шу нақлни осга олганда, беихтиёр моҳир пазанда, бир неча танловлар ғолиби Ҳайтхон Раҳимова фаолияти кўз олдига қолади.

Йилнинг январ ойида эса «Ширин Лаззат» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди ва ўнга яқин иш ўрни яратди.

рени кўрмаган мурғак бола-жонларнинг ўқик кўнглига йўл топиш, уларга озгина бўлса-да ҳақиқий оила муҳитини яратишни ўзим учун мақсад қилиб қўйганман, — дейди Ҳ.Раҳимова.

Меҳридарё аёл

Опа «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилган «Йил аёли — 2010» танловининг Андижон вилояти босқичи ғолиби. Бундан ташқари, у юртимиз иқтисодий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси учун туман, вилоят ҳокимликларининг ташақкурномаларини ҳам олган.


момлаб, тумандаги 16-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади. Мустиқиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилган, Ҳайтхон опа ушбу фаолиятда ўзини синая кўрди. 1997 йилдан «Ҳабибий» маҳалласида ўсмир қизларни ҳаётга тайёрлаб, уларга оила учун зарур бўлган ҳунарларни ўргата бошлади.

кутиб олиб, қизимнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам беришини айтиди. Бугун фарзандимнинг иштиёқи, уй-рўзгор юмушларини бекам куёт бажариши, ўзи пиширган ширинликларга қараб қувончини кўриб, Ҳайтхондан беҳад миннатдор бўлман.

ларини ташкил этганимдан хурсанд бўлман. 31-Меҳрибонлик уйи собиқ директори, факрий педагог Абдусаммад Холмираев: — Ҳайтхон Раҳимова нафақат эзгу ишлар қилувчи ҳомий, меҳридарё аёл ҳамдир. Танлирида болаларга нон ёпиб бериш фақат ўзбек онасига хос. Қалби меҳрмуҳаббатга тўла бу инсоннинг ҳайрли юмушларини кўпчиликка ибрат сифатида кўрсатиш мумкин.

Велоспорт

Малайзия пойтахти Куала Лумпур шаҳрида велоспорт бўйича «Kuala Lumpur Open 2013 Track Cycling Championships» халқаро турнири ақунга өтди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган юздан ортиқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.



Вакилларимиз зафари

Халқаро майдонларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келадиган вакилларимиз бу сафар ҳам муносиб қатнашишти. Юртимизнинг кўп қарра чемпиони, Хитойда ўтган Осиё ўйинлари мутлақ ғолиби Владимир Тўйчиев юқори малакали спортчилар (men elite) иштирок этадиган пойгада шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Машқда қийин бўлса...

Ҳар қандай спорт турида машғулотларни тўғри ва самарали ташкил этиш муваффақиятнинг бош омилли ҳисобланади. Шу боис ҳам айни кунларда бир неча велоспортчимиз Жанубий Кореяда ўтаётган ўқув-йиғин машғулотларида қатнашмоқда.

И й и г и н юртимиз ва Жа н у б и й Корея Велоспорт федерациялари, Жанубий Корея (World Cycling Center Korea Satellite WCC-KS) ҳамда Халқаро велоспорт марказлари (WCC-KS) ҳамкорлигида ташкил этилди. Эзлик кундан иборат машғулотларда вакилларимиз ҳам жисмоний, ҳам назарий тайёргарликка зўр беришмоқда. Халқаро велоспорт марказининг таҳрибали мураббийлари томонидан олиб борилаётган йиғин велоспортчиларимиз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Дунёнинг турли давлатлардан ташриф буюрган велоспортчилар ўртасида йиғин доирасида ўтказилган беллашувларда қатнашган Руслан Каримов биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, маррага ундан

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти Тошкент филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 30 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси кредиторларининг 09.07.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 09.07.2013 йилдаги 256-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидидаги Тошкент шаҳар, Юнусовдў тумани, Богшамол (Оғоронда) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатиغا. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 29 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳужужий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Аукцион савдосига ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «BEST GLOBE REALTOR» МЧЖ Тошкент филиали, х/р: 22622000704922559001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302045495, ОКОНХ: 83200. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати) Лицензия RR 0029, тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: bg_realtor@list.ru, Хизматлар лицензияланган.

ХўРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 12 августда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси тасарруфидаги бундан бун «Объект» деб аталувчи Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, Чо Мен Их кўчасида жойлашган майдони 9886 кв.метрга тенг бўлган қурилиш тугалланмаган полилиқина биносини сотиб олишга таклиф этади.

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 30 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 09.07.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 09.07.2013 йилдаги 255-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган қуйидаги мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

Table with 5 columns: LOT №, Номи, Учуви бўлиши, Миллион, Бошланғич баҳоси (сўм). Contains a list of auction lots including various electrical and construction materials.

Table with 5 columns: LOT №, Номи, Учуви бўлиши, Миллион, Бошланғич баҳоси (сўм). Contains a list of auction lots including various electrical and construction materials.

Талабгорлар диққатиغا.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 29 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳужужий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Аукцион савдосига ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотида шартномаси тузилганда белгиланади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, х/р: 2020800005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати) тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi logo and contact information.

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev, Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabog.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43, Reklama va e'lonlar - 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70, Buxoro +99893 653 50 81, Sirdaryo +998 90 999 58 30, Jizzax +998 94 418-67-49, Navoiy +998 94 226-28-84, Namangan +998 90 260-50-77, Samarqand +998 93 352-50-87, Qashqadaryo +998 91 467-30-01, Surxondaryo +998 95 502-16-68, Farg'ona +998 90 583-49-79, Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi, Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B. Rizayev, Navbatchi: S. Abdurahmonov, Musahhih: S. Shodiyeva. Bosilishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 19.20. E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullayev. «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning «Buxoro» ko'chasi, 41-uy. Xizmatlar лицензияланган